

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАСИНОВ ИЛҲОМЖОН МАДАМИНОВИЧ

**ТАРЖИМОН ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ЭКВИВАЛЕНТЛИК
ҲОДИСАСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Тухтасинов Илхомжон Мадаминович

Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик
ҳодисаси асосида ривожлантириш 3

Тухтасинов Илхомжон Мадаминович

Развитие профессиональной компетенции на основе явления
эквивалентности при подготовке переводчиков 30

Tukhtasinov Ilkhomjon Madaminovich

Development of professional competences on the basis of equivalence
occurrence in preparation of translators 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАСИНОВ ИЛҲОМЖОН МАДАМИНОВИЧ

**ТАРЖИМОН ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ЭКВИВАЛЕНТЛИК
ҲОДИСАСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида B2017.3.DSc/Ped52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг uswlu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиева Гуландом Хисамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нижметова Роза Хасановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Дэвид Киеза
Жоржия университети профессори (АҚШ)

Сафаралиев Бозор Сафаралиевич (Россия)
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Д.Ў.Хошимова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Н.Ж.Исакулова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.д.,
доцент

Л.Т.Ахмедова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган шароитда таржимоннинг касбий компетенциясини лингвистик ҳамда экстралингвистик компетенциялар орқали шакллантириш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. XXI аср – фан ва технологиялар асрида таржима соҳасининг халқаро стандартлари, дастурларида белгиланган меъёрларга асосланиб, таржима хотираси, лингве (linguae), степес (stepes) каби турли хил онлайн ва электрон таржима дастурларидан фойдаланиш, касбий компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш, аслият ва таржима тиллари, матннинг коммуникатив хусусияти, матн орқали коммуникатив мақсадларга эришиш, таржима ва маданият ўртасидаги боғлиқлик, таржимонни зукко ва таъсирчан шахс сифатида кўриш, таржима этикаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида таржимоннинг касбий компетенциясини шакллантиришга интеграл ёндашув, техник малакалар, тил борасидаги маҳорат, терминология ва терминографияни такомиллаштириш, таржимон компетенциясини баҳолаш, таржима жараёнида икки тил маданиятида сўзлар муқобиллигини топиш, таржимонлар йўл кўядиган типик хатоларнинг олдини олишга қаратилган корректив машқлар тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан таржимон тайёрловчи муассасаларнинг ўқув дастурларида таржимоннинг лингвистик, социолингвистик, прагматик ва маданиятлараро мулоқот компетенцияларини шакллантириш орқали таржимоннинг касбий компетенциясини ривожлантириш заруриятини изоҳлайди.

Таржимашуносликда олиб борилаётган тадқиқотлар бевосита таржимада шеърий ва насрий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари, таржимада ассонанс ва диссонанс ҳолатлар, таржиманинг лингвомаданий муаммолари, прагматик муаммолари, прагматик ассоциация, реалиялар таржимаси, ўқувчига адекват таржимани тақдим этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. “Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда таржима орқали тиллараро ва маданиятлараро мулоқот шаклланиб, таржима жараёнида адекватлик ва интерференция ҳолатлари, сўзма-сўз ва эркин таржима услублари, таржима таркиби, қабул қилиниши ва шакллари бўйича асосий турлари, таржимада номувофиқлик, грамматик қийинчиликлар, қўлланиладиган трансформациялар, чет эл махсус адабиётига шарҳлар, изоҳлар, таржима таҳриридан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 май «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Гаржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Gallaount University, Kent State University, The Monterey Institute of International Studies, The University of Texas, Florida International University (АҚШ), Leeds Metropolitan University, University of Westminster, Cambridge University (Буюк Британия), University of Bologna School of Foreign Languages, Ca' Foscary University of Venice (Италия), Kaunas University of Technology (Литва), Linghan University (Гонгконг), University of Minho-Institute of Arts and Human Sciences (Португалия), National University of Seoul, Seoul University of Foreign Studies (Жанубий Корея), University of New South Wales, University of Canberra, Center Customs and Excise Training, (Австралия), Institut Libre Marie

² Мазкур қисмни ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди: <https://www.kent.edu/> (Kent State University); <https://www.topuniversities.com/universities/monterey-institute-international-studies/postgrad> (The Monterey Institute of International Studies); <https://www.utdallas.edu/> (The University of Texas); <https://www.fiu.edu/> (Florida International University); <http://www.leedsbeckett.ac.uk/> (Leeds Metropolitan University); <https://www.westminster.ac.uk/> (University of Westminster); <http://www.cam.ac.uk/> (Cambridge University); <http://www.foreignlanguages.unibo.it/en/index.html> (University of Bologna School of Foreign Languages); <http://www.unive.it/> (Ca' Foscary University of Venice); <https://ktu.edu/> (Kaunas University of Technology); <http://www.ln.edu.hk/> (Linghan University); <https://www.uminho.pt/EN/uminho/Units/schools-and-institutes/Pages/institute-of-arts-and-human-sciences.aspx> (University of Minho-Institute of Arts and Human Sciences); <http://www.snu.ac.kr/index.html> (National University of Seoul); <http://www.hufs.ac.kr/> (Seoul University of Foreign Studies); <https://www.unsw.edu.au/> (University of New South Wales); <http://www.canberra.edu.au/> (University of Canberra); <https://bjbs.csu.edu.au/centres/cces> (Center Customs and Excise Training); <http://www.vinci.be/fr-be/mariehaps/Pages/Accueil.aspx> (Institut Libre Marie Haps); <https://www.kuleuven.be/kuleuven/> (Katholieke Universitet Leuven), <http://www.uottawa.ca/> (University of Ottawa); <http://www.utoronto.ca/> (University of Toronto); <https://www.helsinki.fi/fi> (University of Helsinki); <http://lettres.sorbonne-universite.fr/> (Universite de la Sarbonne); http://www.unistra.fr/index.php?id=accueil&utm_source=unistra_fr&utm_medium=unistra_fr_homepage (Universite of Strasbourg); <https://www.uu.nl/> (Universiteit van Utrecht), <http://www.hacettepe.edu.tr/english/> (Hasettepe University), <http://w3.bilkent.edu.tr/www/> (Bilkent University).

Haps, Katholieke Universitet Leuven (Белгия), University of Ottawa, University of Toronto (Канада), University of Helsinki, Universite de la Sarbonne, Universite of Strasbourg (Франция), Universiteit van Utrecht (Голландия), Hasetepe University, Bilkent University (Туркия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Таржимон компетенцияларини ривожлантириш ва шакллантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқот натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: касбий ривожлантиришга интеграл ёндашув, техник малакаларга урғу бериш, тил борасидаги маҳорат, профессионал этика ва бошқарув маҳоратини лойиҳалаштириш масалалари ишлаб чиқилган (Kent State University, Америка Қўшма Штатлари); таржимон компетенциясининг интеграл қисми сифатида терминология ва терминографияга урғу қаратиш масалалари ўрганилган (University of Bologna School of Foreign Languages, Италия); таржима компетенцияси ва унинг ўқув жараёнидаги таржимон тайёрлаш дастурларидаги ўрни, таржимон компетенциясини изохлаш, шакллантириш ва баҳолаш муаммолари таҳлил қилинган (University of Minho-Institute of Arts and Human Sciences, Португалия); таржимоннинг техник компетенциясини кучли эшитиш ва хотира қобилиятини, берилган маълумот тушунарли бўлмаган ҳолатда эслатмаларни қайд этишни, таржима тилига мослаша олишни ўстириш орқали ривожлантириш (Peoples' Friendship University of Russia, Россия); таълим-тарбия жараёнини оптималлаштириш ва мазмунини модуллаш асосида хориж ҳамда илғор тажрибаларга асосланган ўқув блоклариға мувофиқлаштирилган таълим тизими жорий қилинган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

Дунёда таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таржимон дуч келадиган маданий кодни бартараф этишнинг ўқитиш усул ва методларини ишлаб чиқиш; тиллар маданиятидаги муқобил сўзларнинг таркиби, уларнинг кўп маъноли сўзлардан фарқи; эквивалентлик ва вариантлик, эквивалентлик ва адекватлик тушунчалари нисбати, уларнинг типологияси; лексик бирликлар, муқобил бўлмаган сўзларни таржима қилиш йўл ва усулларини такомиллаштириш; таржимада номувофиқлик, грамматик қийинчиликлар, қўлланиладиган трансформациялар, чет эл махсус адабиётига шарҳлар, изоҳлар, таржима таҳриридан фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маданиятлараро мулоқот тамойилларига асосланган таржимада сўзлараро эквивалентлик муаммоларига доир қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Бўлажак таржимонларни тайёрлаш масалалари билан Е.В.Аликина, Н.Н.Гавриленко, А.В.Гребенщикова, Л.К.Латышев, В.В.Липатовалар шуғулланишган³.

³ Аликина Е.В., Швецова Ю.О. Формирование экстралингвистической компетентности будущих устных переводчиков // Современные проблемы науки и образования. 2012. – № 2. Электронный ресурс: www.scienceeducation.ru/102-6037. Дата обращения: 16.03.2018.; Гавриленко Н.Н. Теоретические и методические основы подготовки переводчиков научно-технических текстов. Монография. – М.: Рос. ун-т

Таржима маданияти ва таржимонлик компетенциясини В.Ричард, С.Бринкледж, К.Дэвид, Н.А.Дударева, О.В.Максютина, А.Биби, М.Рессуррессио, Д.Вишняускене, Л.К.Латышевлар таҳлил қилган⁴.

Технология ва таржима муаммолари Т.Хартлех, Хатим Басил, Л.К.Латышевлар томонидан ўрганилган⁵.

Гендер таржимаси билан Симон Шерри, Д.Ашурова, И.Ласточкина, М.Сергеева, И.Халеева, Г.Эргашевлар шуғулланишган⁶.

Халқаро таржима стандартларида ахборот-технологиялари ва интернет имкониятларидан фойдаланувчи дастурлар ва таржима стандартлари берилган⁷.

Дискурсда сўзларни таржима қилиш муаммолари, сўзлар эквивалентини топиш, маданиятлараро мулоқотда кузатиладиган аслият тилидаги сўзга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш, икки тил маданиятидаги эквивалент сўзларнинг таркиби, қисман эквивалент сўзлар, эквивалент сўзларнинг кўп маъноли сўзлардан фарқи, эквивалентлик ва

дружбы народов, 2004. – 268 с.; Гавриленко Н.Н. Программа-концепция подготовки переводчиков профессионально ориентированных текстов. Книга 3. – М.: Научно-техническое общество имени академика С.И.Вавилова, 2011. – 122 с.; Гребенщикова А.В. Формирование профессиональной компетентности будущих переводчиков средствами информационно-коммуникационных технологий: дис. канд. пед. наук. – Челябинск, 2005. – 179 с.; Латышев Л.К. Структура и содержание подготовки переводчиков в языковом вузе. Учебно-методическое пособие. – М.: НВИ-ГЕЗАУРУС, 2001. – 136 с.; Липатова В.В., Литвинов А.В. Современная модель профессиональной компетенции переводчика в контексте системы подготовки переводчиков в языковых вузах // Translation Journal. Volume 4. No.1 January 2000. Электронный ресурс: <http://www.fask.uniMainz.de/user/kiraly/English/gruppe5/dinnorm.html>. Дата обращения: 17.03.2018.

⁴ Watts Richard. Translating culture: reading the paratexts. – № 13(2). TTR, 2000. – P. 29-46.; Brinklex C. Mark. Translator's fears. Disrup. Vital lines of communication. Army Times. 8. December. 2004. – 160 p.; Katan David. Translating cultures. – Manchester: St. Jerome, 2004. Publishing 2nd. – 271 p.; Дударева Н.А. Переводчик в сфере профессиональной коммуникации и тотальное управление качеством. – М.: Флинта: Наука, 2003. – 148 с.; Максютин О.В. Педагогическая оценка переводческой компетенции // Вестник ТГПУ, 2009. – № 10. – С. 44-48.; Beeby A., Ensinger D. PACTE Acquiring translation competence: Hypotheses and methodical problems in a research project. 2000. – P. 99-106.; Montalt Ressurrecció V., Ezpeleta Piorno P., García Izquierdo I. The Acquisition of translation competence // The Translation, 2008. N 4, V 12.; Вишняускене Д., Лечицкая Ж. Концепция формирования переводческой компетенции при обучении переводу технической литературы // Studies about languages. – М., 2009. – № 15. – С. 28-34.; Латышев Л.К. Базовые составляющие переводческой компетенции. // Сб. статей М-ва. промышленности, науки и технологий РФ, РАН. – М.: Всерос. центр переводов, 2003. – С. 19-27.

⁵ Hartlex Tony. Technology and translation: in Jeremy Munday. The routledge companion to translation studies. London and New York: Routledge, 2009. – 106 p. – P. 27.; Hatim Basil, Ian Mason. The translator as communicator. London and New York. Routledge, 2008. – 244 p.; Hatim Basil. Teaching and researching in translation. – London: Longman, 2001. – 254 p.; Латышев Л.К. Технология перевода. – М.: НВИ-ГЕЗАУРУС, 2000. – 278 с.

⁶ Simon Sherry. Gender in Translation. London and New York. Routledge, 2009. – 174 p.; Ашурова Д.У. Гендерные факторы в стилистике // Замоновий тилшунослик ва хорижий тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари, илмий-амалий анжуман материал. – Т.: ЎзДЖТУ, 2008. – 337 б.; Ашурова Д.У. Гендерные факторы в стилистике // Замоновий тилшунослик ва хорижий тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари: Респ. илмий-амалий анжуман материал. – Т. ЎзДЖТУ, 2008. – С. 337.; Ласточкина И., Нагорная Н. Образ женщины в картине мира носителя английского языка. – Новгород, 2003. – С. 14-17.; Сергеева М.В. Гендерные асимметрии и стереотипы в иллюстративных контекстах словарей // Гендер: язык, культура, коммуникация. – М.: МГЛУ, 2001. – С. 13-14.; Халеева И.И. Гендер как интрига познания // Гендер как интрига познания: Сб. статей. – М., 2000. – С. 9.; Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг киёсий-типологик тадқиқи: Автореф. дисс. филол. фан. ном. – Тошкент, 2011. – 25 б.

⁷ <http://uztranslations.net.ru>; <http://www.astm.org/Standards/F2575.htm>; <http://www.atanet.org/>; http://www.fask.uni-mainz.de/user/kiraly/English/gruppe8/ProfUni_DIN_html; <http://www.ranez.ru>; <http://www.mavica.ru/lite/rus/3379.html>; <http://www.translationjournal.net/journal/46competence.html>; <http://www.translators-union.ru/community/recommendation>; www.barinas.com/what_is_a_translator.html

вариантлик категорияларини фарқлашга эришиш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусида инновацион ва Англиянинг Лондон Метрополитан университетининг «Research is Great» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таржимон тайёрлашнинг лингвوماданий муаммолари, ташкил этишнинг умумий тамойиллари ҳамда ривожлантиришнинг халқаро стандартларини таҳлил қилиш;

эквивалентлик категориясининг тузилиши ва унинг таржима стратегиясини ўрганиш;

сўзлараро эквивалентликни ва эквиваленти бўлмаган сўзларнинг таржимадаги муаммоларини аниқлаш;

таржимада инсон ташқи кўриниши ва характерини тасвирловчи гендер белгилари ва белгисиз қўшма сўзларнинг услубий хусусиятларини ўрганиш;

таржимон тайёрлашда таржима услуб ва усулларини ўқитишнинг ўзига хосликларини ҳамда бўлажак таржимонларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришда оғзаки таржимонлик имкониятларини аниқлаш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларининг статистик таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти эквивалентлик ҳодисаси асосида бўлажак таржимонларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети эквивалентлик ҳодисаси асосида бўлажак таржимонларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш мазмуни, шакл, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак таржимоннинг лингвистик компетенциясини мулоқотда эквиваленти бўлмаган сўзларни неологизм, сўзма-сўз (калька), маъноси яқин сўз билан ўгириш, изоҳини баён қилиш, контекстуал муқобил билан

алмаштириш трансформациялари ёрдамида ривожлантирилиши такомиллаштирилган;

таржима мулоқотидаги сўзлар эквивалентини топиш орқали сўз шакли, ўзаро боғлиқлиги, содда, ясама, қўшма сўзлар бўйича семантик хусусиятлари ҳамда шаклий, контекстуал, синоним, омоним, антоним маънолари орқали лексик ва ёш, жинс, дунёқараш бўйича экстралингвистик хусусиятлари аниқлаштирилган;

тинглаш, мнемотехника, трансформациялаш, тилдан тилга ўтиш, нутқий механизмларни бошқариш, оғзаки нутқ техникаси, таржима суръати кўникмалари асосида таржимоннинг касбий компетенцияси ривожланиши аниқлаштирилган;

инсон ташқи кўриниши ва характерини ифодаловчи гендер белгилари ва белгисиз қўшма сўзларнинг метафоралардаги таржима хусусиятлари аниқлаштирилган;

инсоннинг ташқи кўриниши ва характерини тасвирловчи қўшма сўзларни таржимага ўқитиш методикаси ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, гипербола, перифраза, зевгма каби стилистик воситалар орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг машқлар тизими, таржима услуб ва усуллари ишлаб чиқилган ҳамда ташкилий-методик таъминоти яратилган;

«Humoyun and Akbar», «Navoiy», «Starry Nights», «The Faithful Queen», «Affairs of Life», «The Transitory World», «The Days Gone by», «The Scorpion from Altar», «The Treasure of Ulugbek», «Devildom. Book 1», «Devildom. Book 2», «Devildom. Book 3», «Devildom. Book 4», «Devildom. Book 5», «The Great Empire», «Night and Day», «A Naughty Boy» асарлар инглиз тилига таржима қилинган;

«History of British literature (V-XXI centuries). Part I, II», «Country Study (UK and USA)» ўқув қўлланмалари, инглизча-ўзбекча шахмат бўйича сўзлашгич, тадбиркорлар учун инглизча-ўзбекча-русча сўзлашгич яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг илмий-назарий, ҳуқуқий-меъёрий масалалари, педагогик-психологик хусусиятлари, таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитлари асослаб берилганлиги; таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш зарурлиги, касбий компетенциянинг таянч ва шахсий компонентлари

аниқланганлиги, таржимоннинг ахборот ва технологик компетенциясини ривожлантиришда хорижий дастурларни қиёсий таҳлил қилинганлиги; ахборот тизимларида таржима қилувчи хорижий дастурлар ва уларнинг ишлаш тамойиллари очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган модел, таянч, шахсий компетенциялари тизими, эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш ва бадиий таржима таълимида таржимон томонидан персонажларни тасвирлашда қўлланилган қўшма сўзлардан, шунингдек, таржимон мутахассисларни тайёрлашда ҳам фойдаланилиши мумкинлиги белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

мулоқотда эквиваленти бўлмаган сўзларни неологизм, сўзма-сўз (калька), маъноси яқин сўз билан ўгириш, изоҳини баён қилиш, контекстуал муқобил билан алмаштириш усуллари асосида такомиллаштирилган бўлажак таржимоннинг лингвистик компетенцияси ривожланишидан 2012-2014 йилларда бажарилган ИТД-1-119 рақамли «Ўзбек адабиёти антологияси»ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги 89-03-443-сон маълумотномаси). Натижада таржима методлари ва усуллари асосида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Ойбекнинг «Навоий», Гафур Ғуломнинг «Шум бола» ҳикояси инглиз тилига таржима қилинган;

компьютер лингвистикаси ва машина таржимасининг лингвистик таъминотини яратиш бўйича таржима аниқлигини таъминловчи хулосалар чиқаришда, инглиз ва ўзбек тилларининг морфологик ва синтактик моделлари, морфологик луғат, метафорик атамалар, феълли фраземаларнинг лингвистик таъминотини яратишда матнларнинг автоматик таржима қилишда инглизча содда гап моделларининг ўзаро мувофиқлигини аниқлашда, электрон луғат ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот яратишда диссертациянинг илмий янгиликларидан 2008-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги 89-03-2445-сон маълумотномаси). Натижада миллий лисоний воситалар сирасига одамлар исмлари, асардаги персонажлар ҳамда афсонавий шахслар, ғайритабиий кучлар номлари, уларнинг қайси миллатга мансублиги тоифалаштирилган;

метафоралар ёрдамида инсон ташқи кўриниши ва характерининг қўшма сўзлар орқали ёритилиш имкони таҳлилидан ва гендер тадқиқотлар – бу тилшуносликнинг прагматик аспектларига қизиқишнинг ортиши, социолингвистиканинг ривожланиши ва жамиятда эркак ва аёл ролининг

анъанавий тақсимланиши билан боғлиқ концептуал тамойиллар ва тадқиқот методлари 2014-2015 йилларда бажарилган И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион тадқиқотлар лойиҳасига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги 89-03-2446-сон маълумотномаси). Натижада таржимон касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича услубий қўлланмалар, ўқув дастурлар ишлаб чиқилган;

таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар, ўқув дастурлар ишлаб чиқишда янги методлар сифатида ахборот технологиялари ва интернет имониятлари бўйича фойдаланувчи дастур ва таржима стандартларидан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-219 рақамли «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳага синглирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги 89-03-2442-сон маълумотномаси). Натижада бакалаврлар (инглиз тили) учун «Reading-1» ва «Writing-2» ўқув қўлланмалари яратилган.

инсоннинг ташқи кўриниши ва характерини тасвирлашда қўлланадиган ва услубий белгиланган қўшма сўзлар ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, гипербола, перифраза, зевгма каби стилистик воситалар бўйича такомиллаштирилган методикасидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг маънавият ва маърифат дастурларида фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 18 июн 09-01/288-сон маълумотномаси). Натижада таржимонларни тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисасиси асосида ривожлантириш оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 203 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шу билан бирга диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг лингвомаданий асослари**» деб номланган биринчи бобида таржимон тайёрлашнинг лингвомаданий муаммолари, таржимон-мутахассислар тайёрлашни ташкил этишнинг умумий тамойиллари ҳамда таржимон касбий компетенциясини ривожлантиришнинг халқаро стандартлари ёритилган.

Чет тили ёрдамида талабаларга тили ўрганилаётган мамлакатларнинг миллий тили, маданиятини ўргатиш ва уларни табиий мулоқотга тайёрлаш орқали ахборот алмашиш малакаларини ривожлантириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир томондан, тили ўрганилаётган мамлакатнинг нафақат тарихи, давлат тузилиши, шу билан бирга миллий маданияти ҳақидаги ахборотлар берилса, иккинчи томондан, хорижий тиллардаги матнларни ўқиш жараёнида хос сўз (реалия)лар, яъни муқобилсиз тил бирликлари, фразеологик бирикмалар афоризмларини таржима қила олиш, нутқ маданиятидан нутқий мулоқотда фаол ва эркин фойдаланишга ўргатилади.

Лингвокультурология – лингвистика ва маданиятшунослик ўртасида вужудга келган янги мустақил фан бўлиб, у халқлар маданиятининг вужудга келиш тарихи ва унинг тилда акс этиш қонуниятларини ўрганади. Лингвокультурологиянинг ривожланиш даврини иккига бўлиш мумкин: биринчи давр – фаннинг вужудга келиш даври (В.Хумболт, Я.Гримм, А.А.Потебня, Э.Сэпир) иккинчи давр эса лингвокультурологиянинг мустақил фан деб тан олиниш давридир (В.В.Воробьев, В.Н.Телия ва В.А.Маслова).

Лингвокультурологиянинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Ижтимоий гуруҳлар, халқлар маданиятининг лингвокультурологик контекст(вазият)ларини тадқиқ қилиш (В.Хумболт, А.А.Потебня, Э.Сэпир, А.Вежбицкая, В.Н.Телия).

2. Қиёсий лингвокультурология қатор ишларда ўз аксини топган (С.Г.Терминасова, В.Н.Телия, В.А.Маслова, Д.Ў.Хошимова, Г.Маҳкамова, З.Утешова, Ш.Убайдуллаев ва б.).

3. Диахроник лингвокультурология давр ўтиши билан халқларнинг лингвокультурологик ҳолатидаги ривожланишни ўрганади (Н.Д.Арутюнова, Э.Бенвенист, Ю.С.Степанов).

4. Лингвокультурологик лексикография – шу соҳага оид луғатлар тузиш билан шуғулланади (Н.В.Чернова, Д.Г.Мальцева, В.Муравлева, Г.Д.Томахин, Х.Р.Рахимов ва б.).

Лингвокультурологиянинг тадқиқот объекти сифатида қуйидаги масалалар билан шуғулланади:

- 1) муқобилсиз лексика ва хос сўзлар (реалия);
- 2) мифология, урф-одат, анъана, маросимлар;
- 3) метафора, тилнинг тасвирий ва образли воситалари;
- 4) фразеологик бирликлар;
- 5) тилдаги эталон, стереотип ва рамзий воситалар;
- 6) нутқ маданияти, нутқ одоби (В.Воробьев, В.Маслова).

Ҳар бир халқнинг ўзига хос ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган сўзларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) муайян географик ҳудуд (давлат, шаҳар, қишлоқ, кўча, майдон) номи билан боғлиқ хос сўзлар;

б) этнографияга доир хос сўзлар: кийим-кечак, озиқ-овқат, урф-одат, тўй маросимлари ва б. (С.Флорин, С.Власов, И.К.Мирзаев).

Таржимонлик йўналишидаги талабалар оғзаки нутқини ўстириш тили ўрганилаётган мамлакат тили ва маданиятини бир вақтда ўргатишдан бошланишни тақозо қилади. Ҳар қандай таржима жараёни икки тил – икки маданиятнинг ўзаро мулоқоти бўлиб, маданиятлараро мулоқот тўғри, холис талқин қилиниши билан бирга маданиятлараро мулоқотни ўрганишга катта ўрин берилади. Шунингдек, таржимон тайёрлашнинг лингвомаданий муаммолари маданиятлараро мулоқотнинг ўрни, таржимада маданий мослашиш ҳолатлари ҳамда чет тил дарси маданиятлараро учрашув чорраҳаси сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Ўқитиш методикасига таълимни ривожлантириш қоидаси сифатида йўналишлараро алоқалар ва услубий тизимнинг яхлитлигини таъминлайдиган «интеграция» тушунчаси таржимага ўқитиш тизимига шахсга ёки фаолиятга оид, шунингдек, ижтимоий-маданий ва дискурсив лингводидактик ёндашувларни интеграциялаш тамойилларини юзага келтирди. Бундай билим ва маҳорат кўникмаларини эгаллашда қуйидаги таржимон тайёрлашни ташкил этишнинг умумий тамойилларини ўзлаштириш талаб этилади:

- таржимонларни тайёрлашда шахс сифатида ёндашув тамойили;
- таржимотларни тайёрлашда фаолиятли ёндашув тамойили;
- таржимонлар тайёрлашда ижтимоий-ёндашув тамойили;
- таржимонлар тайёрлашда дискурсив ёндашув тамойили.

Таржимонлик компетенцияси таржимоннинг касбий маҳорат ва имкониятларини характерловчи тушунча бўлиб, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилаётган таълим стандартларида, шунингдек, ўзбек ва чет эл мутахассисларининг илмий мақолаларида кенг ёритиб келинмоқда. А.Биби ва Д.Энсингерлар томонидан таржимонлик компетенцияларига лингвистик (лексик, грамматик, дискурсив билим, малака ва кўникмалар), таржима назарияси, тил назарияси, маданиятга оид билимлар, таржиманинг махсус соҳаларда фойдаланиладиган билимларни ўз ичига олувчи экстралингвистик компетенцияларни, матнни тушуниш, очиш, перефразалаш, шаклини ўзгартиришни ва умуман олганда таржима жараёнини ўз ичига олган

замонавий технологияларни билишни, касбий компетенция, диққатни жамлаш, хотирани мустаҳкамлаш билан боғлиқ, психофизиологик сифатлар – когнитив қобилият, муайян психологик тавсиф, таржима компетенцияси ва бошқаларни киритиши зарурлигини қайд этганлар. Таржимонлик компетенцияси (Translation competence) билан боғлиқ масалаларни ўрганган испан мутахассислари В.Монтальт Рессуррекьо, П.Эспелета Пиорно ва И.Гарсиа Искуэрдолар матн категорияларини, энг аввало, жанрни тушунишда асосий восита бўлиши лозим деб таъкидлайдилар. Чунки таржимон тайёрлашда касбий фаолияни шакллантириш билан бирга ғоя жанр, стиль ва таржима методлари орасида боғлиқлиги муҳимдир.

«Competences for professional translators, experts in multilingual and multimedia communication» («Профессионал таржимон, кўп тиллилик ва мультимедиавий алоқа соҳаси мутахассисларига қўйиладиган талаблар») номли умумевропа ҳужжатида таржимонлик фаолияти компетенциялари доираси аниқланди. Ҳужжат муаллифлари «компетенция» деганда муайян шароитларда аниқ касбий вазифаларни бажаришда керак бўладиган қобилият, билим, малака ва ҳулқнинг бирикмасини назарда тутадилар ва компетенциянинг 6 турини: лингвистик, тематик, маданиятлараро, технологик, ахборот ва таржима хизматларини кўрсатиш (Translation service provision) компетенцияларини қайд этадилар.

Ёзма таржима буюртмасини бажаришда таржимон ўзининг она тили бўлган рецептор-тилда ёзади ёки таржима тили (ТТ) бошқа тилга қилинаётган бўлса, у ҳолда таржимага ўта жиддий ёндашиш лозим. Бунда нутқ услуби ва регистри билан бевосита боғлиқ бўлган тил мароми (ритми)ни сақлаб қолишда таржимон учун фойдали маълумотлар ва халқаро таржима стандартларини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Эквивалентлик ҳодисаси асосида таржимон касбий компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари**» деб номланган иккинчи бобида эквивалентлик категориясининг тузилиши ва унинг таржима стратегияси, сўзлараро эквивалентликни аниқлаш, эквиваленти бўлмаган сўзларнинг таржимадаги муаммолари ҳамда таржимада инсон ташқи кўриниши ва характерини тасвирловчи гендер белгилари ва белгисиз қўшма сўзларнинг услубий хусусиятлари илмий тадқиқ қилинган.

«Маданият» ва «маданиятлараро мулоқот» сўзлари кенг қамровли тушунчалар оддий бир сўз ҳам тилнинг маданият билан узвий боғлиқлигини кўрсатиб бериши мумкин. «ST» («Source translation – Асл нусха матни») ва «ТТ» («Target translation – Таржима матни») ўртасидаги ўхшашлик даражасини аниқловчи мазмуний муқобилликнинг муаммолари ҳақида маълумотга эга бўлиш муҳимдир⁸. Агар «ТТ» ни «ST» билан қиёслаганда икки матн ўртасидаги семантик ўхшашлик даражасини таржима жараёнида фарқлашни билиб олиш мумкин. Таржима эквивалентининг бир қанча турлари бир-биридан фарқ қилади. Қиёсланг:

⁸ Гофуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Т. 2012. – Б. 22-24.

1) *Maybe there is some chemistry between us that doesn't mix* – характери бир-бирига тўғри келмайдиган одамлар ҳам бўлади.

2) *A rolling stone gathers no mass* – ким уйда ўтиролмаса, уни меҳрибонлик кутмайди.

3) *That's a pretty thing to say* – уялсанг бўларди!

Инглиз ва бошқа тиллардаги сўзларнинг турли хил хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- сўз шакли, ўзаро боғланган сўзларнинг семантик тузилиши ва уларнинг нутқда ишлатилиши;

- инглиз ва ўзбек тилларида ўзаро боғланган сўзлар турли хил ясама сўзларни ҳосил қилиши;

- ўзбек тилидаги сўзнинг семантик тузилишида шу сўзнинг маъносини ифодаловчи инглиз тилидаги сўзда мавжуд бўлмаган аниқ шаклий маъно мавжуд бўлиши;

- инглиз тилидаги сўзнинг лексик валентлик даражаси ўзбек тилидаги сўз билан бир хил бўлмаслиги;

- инглиз тилидаги бир турдаги бир қанча синоним сўзларни ўзбек тилидаги битта сўз билан таржима қилиш;

- инглиз ва ўзбек тилларидаги сўзларнинг тузилишини қиёслаб ўрганиш бир неча содда, ясама ва қўшма сўз бир-бирига деярли тўғри келиши;

- таржимада сўз танлашга таъсир қиладиган ёш, жинс ва билим омиллари;

- ҳар бир маданиятда белгили (symbolic) ҳисобланадиган аниқ ҳаракат;

- ҳаракат шакли қабул қилувчи тилидаги бошқа шакл билан боғланган бўлса, белгили ҳаракатни таржима қилиш қийинлиги.

Таржима матни ҳам аслият матни билан бир хил бўлиши сабабли таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият бадий завқ, мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (мувофиқликни) таржимани таълим олувчига тақдим этишдир. Мувозанат таржиманинг барча жабҳаларини қамраб олиши лозим (1-расмга қаранг):

Инглизча ва ўзбекча сўзлар ўртасидаги семантик муносабатнинг икки хил асосий тури мавжуд: эквивалент ва мос келувчи вариантлар. Инглизча сўзнинг маъноси ўзбекча сўзнинг маъносига тўлиқ мос келиши *эквивалент* дейилади. Масалан: инглизча *London, Cypress, twenty, Monday, March* сўзларининг ўзбек тилидаги эквивалентлари: *Лондон, кипарис / сарв, йигирма, душанба, март*. *Мос келувчи вариантлар* – бир тилдаги сўз иккинчи бир тилга эркин, мустақил сўз билан эмас, балки бир нечта сўз бирикмалари, вариант орқали таржима қилинади, ундаги компонентлар ва маъно иккинчи бир тилда мос келадиган компонентлар ва маъно билан алмаштирилади⁹.

⁹ Таржима жараёни ва хорижий тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари // Республика илмий-амалий конф. материал. – Самарқанд; СамДЧТИ, 2006. – Б. 14.



1-расм. Аслият ва таржиманинг ўзига хос хусусиятлари

Атоқли от, жой номи, рақам, ҳафта кунлари ва ойларнинг номлари бошқа тилларда эквивалент орқали акс эттирилади. Тилда мос келувчи эквивалентлари кўп бўлган сўзлар полесемантик сўзлар дейилади. Полесемантик сўзнинг бир нечта эквиваленти бўлади. Таржимоннинг маҳорати матндаги инглизча сўзнинг ўзбек тилига мос келувчи вариантларини топа олишда кўринади. Масалан:

*He said they could not afford to let **sentiment** stand in the way of business¹⁰.*

Луғатда *sentiment* сўзининг 4 хил маъноси бор: 1) назар, 2) тушунча, 3) ортиқ даражада ҳиссиётга берилиш, 4) бўшлиқ. Тўрт хил маънонинг биринчиси асосий маъно ҳисобланади. Таржимада бу маъноларнинг мосидан фойдаланилади. Ушбу асарни таржим қилган таржимон «*ортиқ даражада ҳиссиётга берилиш*» маъносини танлаган ва ушбу маъно куйидагича таржима қилинган:

*Он сказал, что они не могут позволить **чувствам** мешать делу¹¹. (У бизнесни *ортиқ даражада ҳиссиётга берилиш* орқали амалга ошириб бўлмаслигини айтди).*

Бирламчи номланишлари бўйича бир хил денотатларга эга бўлган аслият ва таржима сўзлари, семантик трансформацияга учраганда, турли маданиятга

¹⁰ W.Somerset Maugham Theater. – М.: Менеджер, 2001. – Chapter 7. pp 61.

¹¹ Моэм У.С. Театр. – М.: Эскимо-пресс, 2001. – 62 с. Перевод Г.Островской

мансуб аҳоли нутқида эквивалент бўлмасликлари мумкин. Масалан, «мол» сўзи ўзбек тилида маълум даражада салбий маънога эга. Яъни ахлоқсиз, фаросатсиз ва салбий ҳулқ-атворга эга шахслар «мол»га қиёсланади. Англия ва Америка маданиятида бу сўз нейтрал маънони ифодалайди. Инглиз тилида «мол» сўзининг эквиваленти йўқ. Ўзбек тилидаги «мол» сўзи йирик шоҳли уй ҳайвонлари (сигир, хўккиз, қўтос ва ш.к.)ни англатади. Бу сўзни инглиз тилига таржимасида «cow» сўзини ишлатишга тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан фақат маълум халқ турмуш тарзи, дунёқараши, тафаккур қилиш шакли, хатти-ҳаракатлари, кийиниш русумлари, овқатланишлари, урф-одатлари, нарса-предметларни аташдаги ўзига хос хусусият ва тушунчалар бошқа халқларникидан фарқ қилиниши натижасида фақат шу халққа тегишли бўлган турли хил тушунчаларни ифодаловчи сўзлар вужудга келадики, бу сўзлар англатган сўзларнинг эквиваленти ўзга халқлар тилида мавжуд бўлмайди. Тилшуносликда, таржимашуносликда бундай сўзларни «хос сўзлар» деб аташ қабул қилинган.

«*Realis*» сўзи аслида латинча средний род кўпликдаги «*realia*» сўзидан олинган бўлиб, аслида «*вещественный*» – «*ашёвий*», «*действительный*» – «*ҳақиқий*» деган маъноларни англатган ва кейинчалик отга айланиб, миллий ўзига хос сўзни ифодаловчи атамага айланиб кетган. Хос сўзлар маълум халққа мансуб бир маъноли сўз ва иборалар бўлиб, шу халқ тилидаги предметларни, тушунча ва ҳодиса номларини, географик, этнографик, адабий, материал ва маънавий ҳаётига оид, шунингдек, маданий-маиший, ижтимоий-тарихий тушунчаларни ифодалайди.

Аслини олганда, гендер тадқиқотлар – бу тилшуносликнинг прагматик аспектларига қизиқишнинг ортиши, социолингвистиканинг ривожланиши ва жамиятда эркак ва аёл ролининг анъанавий тақсимланиши билан боғлиқ лингвистик фактлар имконини беради. Мазкур тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда концептуал тамойиллар, тадқиқот методи ва ўрганилаётган материалнинг характери бўйича фарқланадиган бир нечта лингвистик йўналишлар юзага келди ва уларнинг муаммолари ўрганилди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Лингвистик йўналишлар ва уларнинг муаммолари

| № | Лингвистик йўналишлар | Лингвистик йўналишларнинг муаммолари |
|----|--|---|
| 1. | Социолингвистик гендер тадқиқотлар | 1. Тил ва унда жинснинг акс этиши: номинатив тизим, луғат, синтаксис, жинс категорияси ва б. Бу каби ёндашувнинг мақсади турли жинсли одамларнинг тилда ифодаланиши эркак ва аёлларга қандай баҳо бериш, уларнинг қайси семантик майдонларда кўпроқ тарқалганини очиб бериш ва тушунтиришдан иборат. 2. Лексик birlikлар танлаб олинадиган эркак ва аёлнинг нутқ меъёрлари, мулоқотда муваффақиятга эришиш усуллари – яъни эркак ва аёл мулоқотидаги ўзига хосликлар |
| 2. | Феминистик лингвистика | |
| 3. | Иккала жинсни ҳам ўрганувчи гендер тадқиқотлар | |
| 4. | Эркак жинс тадқиқоти (<i>men's studies</i>) | |
| 5. | Жинсни психолингвистик жиҳатдан ўрганиш | |
| 6. | Гендер субмаданияти гипотезасини ўз ичига оловчи маданиятлараро, лингвокультурологик тадқиқотлар | |

Тадқиқотда гендер категорияси тил ва маданият феномени сифатида, яъни лингвокультурологик аспектда ўрганилиб, асосий объект сифатида лингвокультурема олинади. Лингвокультурема сўзларнинг гендер белгилари ёрдамида ифодаланади. Гендерни ифодаловчи сўзлар ўзида халқ маданиятини сақлаб қолади. Қўшма сўзларнинг гендер хусусиятларини ўрганиш инглиз ва ўзбек тилларида эркак ва аёлнинг ташқи кўриниши ва характеридаги хос хусусиятларни ифодаловчи умумий ҳамда фарқли белгилари билан ажралиб турадиган муҳим гендер белгилари бирликларини ажратиш олиш имконини беради.

Метафора – нутқда энг кўп қўлланиладиган ва барча тилларга хос услубий воситадир. Унинг бу хусусияти макон ва замон, тил структураси ва функциясида кўзга ташланади. Тадқиқот давомида тил материалининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, метафоралар ёрдамида ташқи кўриниш ва характерни ифодаловчи етакчи воситалар аниқланди. Қўшма сўзлар ёрдамида ҳосил қилинган метафорик номинацияларни таҳлил қилиш инглиз тилида ўсимлик номлари компонентларига эга қўшма сўзлар билан берилган метафоралар етакчи ўринни эгаллашини кўрсатди: *wheat-coloured hair, cut short* (О'Henry); *he has... hay-coloured whiskers and straw-coloured hair* (Thackeray); *Her corn-coloured ringlets hung gaily about her face* (Dreiser); *his hair, they say, turned cotton-white one winter afternoon for no good reason at all* (Fitzgerald). Ўсимликлар номлари компонентларини ифодаловчи қуйидаги мисоллар ҳам кўриб чиқилди: *pumpkin-head* – хумкалла; қовоқбош; *wood-legged* – ёғоч оёқ; *banana-head* – узун бошли одам; *wooden-headed* – ёғочкалла; *cabbage-head* – телбатабиат; *гулбадан* – (Менинг шайдолигим бу нозпарвар дилрабодандир, Ярашган қадду қомад, хулқи хуш, нозик адодандир, Мулойим, гулбадан, ширин сухан, табъи расодандир (Хабибий, 517-б); *гулчеҳра* – (Қаламқошлар бежирим, соқит, Гулчеҳранда сипойи гурур (Уйғун, 521-б). Ўзбек тилида миллий маданият, анъана ва урф-одатларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ зоонимлар компонентларига эга сўзлар билан ифодаланган қўшма сўзлар биринчи ўринда туради (зағчақўз – (Шу қоидага мувофиқ, кулранг-кўкиш кўзли эшонни ҳамма катта-кичик «зағчақўз домла» деб атарди. (П.Турсун, «Ўқитувчи», 142-б); такасоқол – Кенг ҳам дўнгпешонасини, чўзиқ жағи, такасоқолини силади. (Т.Мурод, «Юлдузлар мангу ёнади», 643-б); аждарнафас – (Наинки Хўжа Абдулло Хотибдек бир аждарнафаснинг бошига тушган тошни салтанатга нисбатан берурсиз, - деди Навоий. (Ойбек, «Навоий», 44-б)).

Материални таҳлил қилиш жараёнида концептуал метафоралар ҳам аниқланди. Мазкур қўшма сўз – метафоралар инсон ташқи кўриниши ва характерининг чуқур мазмунини очиб бериш билан бир қаторда дунёнинг лисоний манзарасини яратади. Масалан: *қўйкўз, қирғийбурун, зағчақўз, девқомат, супрақулоқ, эчкисоқол, биткўз, қўчқорпешона, олмаюз, ковушбурун, булдоғлунж, дарвештабиат, балчиқмия, гулбадан, паричеҳра, товукмия, шерюрак, rat-faced, elephant legged, wood-legged, bone-legged, sour-beaked, sheep-forehead, fluid-face, pumpkin-head, goat-forehead, tramp-nature*. Бу қўшма сўз – метафораларнинг миллий хусусиятларини ифодалайди.

Қиёсланаётган тилларда қўшма сўзларнинг метафорик қўлланишини кўриб чиқиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради: 1) қўшма сўзлар – метафоралар инсоннинг борлиқда ўз аксини топадиган ўсимлик, зооним ва бошқаларнинг номларини акс эттириш ёрдамида шаклланади 2) улар қўшма сўз – метафоралар қўлланишидаги фарқларни аниқлашга ёрдам берди: инглиз тилида кўз қурол, гўзаллик қурол, қуш ва ўсимликлар билан, ўзбек тилида эса миллий-маданий характердаги предметлар ранг ва бошқалар билан қиёсланади.

Диссертациянинг «**Таржимага ўқитишни ташкил этишнинг ташкилий-методик таъминоти**» деб номланган учинчи бобда таржимон тайёрлашда таржима услуб ва усулларини ўқитишнинг ўзига хосликлари, бўлажак таржимонларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришда оғзаки таржимонлик имкониятлари ҳамда лингвист-таржимон касбий компетенциясини ривожлантириш шарҳланди.

Таржимага оид амалиётлар таҳлилида таржима усулларини таржима услубларидан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. *Усул* – қўйилган мақсадга эришишнинг асосий йўли бўлиб, қилинадиган ҳаракатларнинг мавжуд қонунларини акс эттиради. Бир тилдан бошқа тилга ўтишнинг иккита усули бор: биринчиси бир тилга мансуб сўз ёки белгидан бошқа тилга мансуб сўз ёки белгига тўғридан-тўғри ўтиш, иккинчиси эса айланма йўл орқали – аввал бир тилга мансуб белгидан мўлжалдаги ёки предметли вазиятга ва фақат шундан кейин ўгириладиган тилга мансуб белгига ўтишдир. Илмий манбаларда таржиманинг бу икки усулидан биринчиси *белгили*, иккинчиси эса *маъноли* деб номланади.

Метод ёки бошқача айтганда, таржима услуги, одатда, хусусий масалани ҳал қилади, яъни таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Таржима услублари, ўз навбатида, яна икки гуруҳга бўлинади:

- 1) таржима мутаносибликлари;
- 2) таржима тузилишининг ўзгариши.

Таржимани аслият билан таққослаш шуни кўрсатадики, ўгириш жараёнида аслият тилнинг муайян бирликлари маъноси ўгирилаётган тилнинг бир хил бирликлари ёрдамида узатилади (масалан: уй - house, хона - room, tree - дарахт). Тил бирликлари нисбатан барқарор маънога эга. Шунинг учун тиллардаги (бизнинг ҳолатда ҳинд-европа тил оиласига мансуб тилларда) бир хил предметли ҳолатлар ўхшаш синтактик конструкциялар ёрдамида таржима қилинади.

Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ҳамда таржимада тилнинг «*руҳияти*» йўқолиши, кўпинча, поэтик асарларни таржима қилишда кузатилади. Уларнинг барчаси методологик жиҳатдан нотўғри, чунки исботлашни тилга татбиқ этиб бўлмайди ҳамда киришда берилаётган ва чиқишда олинаётган ахборотлар турли қатлам ва кўламга тегишли бўлгани учун хулосаларнинг тўғрилигига қўйиладиган энг оддий мантиқий қоидаларга тўғри келмайди. Масалан, немис тилида артиклнинг мавжудлиги немисларнинг нарса-ходисаларни

жинсига алоқадор қандайдир белгиларига қараб қабул қилади, деган хулосани бермайди. Худди шу каби эргатив курилишга эга бўлган абхаз тилида сўзлашувчилар иш-ҳаракатнинг субъект ва объектини фарқлай олишга қодир эмас, деган хулосанинг келиб чиқиши ҳам мантикқа зиддир.

Ўзбекча «қўл», русча «рука» сўзларининг инглиз тилида «*hand*», «*arm*» сўзлари билан, ўзбек тилидаги «*каптар*» ва «*мусича*» сўзларининг немис тилида битта «*taube*» сўзи билан берилиши немисларнинг каптар ва мусича каби турлича бўлган икки қушни бир-биридан ажрата олмайди, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Чунки ўзбеклар каптар ва мусичанинг фарқига қандай етса, немислар ҳам худди шундай етади.

Ўзбек тилидаги «*билмоқ*» сўзи немис тилида «*wissen*», «*kennen*» феъллари билан берилиши немисларнинг ўзбекларга қараганда кўпроқ билишини ёки бўлмаса билишнинг турли хилларини англашларини кўрсатади, деб бўлмайди. Инглиз тилидаги «*lunch*» сўзи ўзбек тилига «*шунчаки нонушта*», «*иккинчи нонушта*», «*ўнбирлик*», «*енгил тушлик*» каби тасвирий воситалар билан таржима қилиниши эса ўзбекларнинг бу тушунчани ўз ақлига сиғдира олмаганлигини кўрсатмайди.

Икки ёки ундан ортиқ тилдаги сўзларнинг айрим маъноларини типологик жиҳатдан солиштирганда ва маъноларнинг мос тушмаслик ҳолатлари кузатилганда, тилшунослар томонидан «турли тилда сўзлашувчи халқларнинг тушунча аппарати турличадир», деган хулоса чиқарилади.

Тил birlikлари *семантик мазмунининг* миллий ўзига хослиги сўз бирикмаси, гап ва матн таркибидаги мураккаб семантик мажмуаларнинг пайдо бўлиш имкониятини инкор этмайди, лекин бу мажмуалар ифода этган маъно кўламига кўра турли тилларда бир-бирига ўхшаш бўлиши ҳам мумкин. Инъикос тушунчаси шаклининг объективлиги туфайли тил семантик томонининг миллий ўзига хослиги билиш жараёнининг субъектив унсури манба бўла олмайди¹².

Аmmo тил семантикасининг миллий ўзига хослиги намоён бўлишининг яна бир томони борки, у тил тараққиёти жараёнида товуш шаклини танлашдаги мотивациянинг ўзига хослиги билан алоқадор бўлиб, унинг натижасида ҳатто ўхшаш маъно гуруҳларида ҳам «ички форма» турли чегараларни ҳосил қилади, турли фарқловчи белгилар эса мотивацияланаётган маънони характерлаб беради. Товуш таркибининг турли тилларда бир хил бўлиб қолиши фарқларнинг турли йўналишда бўлганлиги ва бу ташқи ўхшашлик «кўшимча миллий ўзига хос маъно» ҳосил қилинаётганлигидан далолат беради. Масалан, инглиз тилидаги «*head*» – кеманинг олдинги қисми – бурин; «*head*» – михнинг қалпоғи; «*head*» – сутнинг устки қисми, қаймоғи. Бу маънолардаги субъектив хусусият денотатнинг ўзини ифодалашга тааллуқли эмас. Барча ҳолатларда мос келувчи жисмоний ҳодиса ўзининг белгиларидан бирининг белгиси билан

¹² Кубрякова Е. С. Язык и знание. – М, 2006. – 650 с.

аниқланади. Бу белгини танлаш эса инглиз ёки ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади¹³.

Тилнинг *этимология билан узвий боғлиқ* бўлган миллий ва субъектив омиллари «барча тилларда белгиланаётган ва белгилаётган унсурлар ўртасида муносабат бир хил бўлади ва бунинг натижасида предметнинг образи тўғри берилади», - деган бош фикрни инкор қила олмайди. Шундай қилиб, дунёнинг концептуал моделига сезги орқали олинган билимни қўшимча унсурлар сифатида киритишга қаршиликсиз бўлганидек, тилда сезгига алоқадор ахборот тилдаги рационал унсурларга дунёнинг концептуал модели ва дунёнинг лисоний моделига қўшимча қилинади деган фикрга қўшилиб бўлмаслиги бу ягона гносеологик моҳият касб этади.

Оғзаки (синхрон) таржима қилиш учун таржимоннинг профессионал компетенцияси (билим, малака ва кўникмалар йиғиндиси) қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим¹⁴:

- тил компетенцияси (аслият ва таржима тилларини билиш);
- коммуникатив компетенция;
- таржима компетенция (таржима қилиш малакаси);
- техник компетенцияси (ахборот билан ишлаш малакаси);
- шахсий фазилатлар (хотирани ривожлантириш) (2-жадвалга қаранг):

Ўқитишнинг асосий босқичида оғзаки таржима билан боғлиқ фаол комплекс тренингида хотира тренинги, тилдан тилга ўтиш тренинги, суръат тренинги, лексика устида ишлаш, трансформация тренинглари амалга оширилади. Ўқитишда фойдаланиладиган машқларни танлаш кўникма ва маҳорат сирларини шакллантириш зарурати билан боғлиқлигини тақозо қилади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

- тинглаш кўникмаси;
- мнемотехника кўникмаси;
- трансформациялаш кўникмаси;
- тилдан тилга ўтиш кўникмаси;
- нутқий механизмларни бошқариш кўникмаси;
- оғзаки нутқ техникаси кўникмаси;
- таржима суръати;
- таржима учун мўлжалланган матнни тинглаш кўникмаси.

Компетенциялар илмий соҳадаги назарий билимлар, аниқ касбий вазиятларда билимлардан фойдаланиш бўйича амалий тажриба, шахснинг кадрият билан боғлиқ жиҳатларини ўз ичига олади.

¹³ Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Фан, 2006. – 48 б.

¹⁴ Аликина Е. В., Швецова Ю. О. Формирование экстралингвистической компетентности будущих устных переводчиков // Современные проблемы науки и образования. 2012. № 2. Электронный ресурс: <http://www.scienceeducation.ru/102-6037>. Дата обращения: 5.05.2018.

Таржимоннинг профессионал компетенциясининг таркибий қисмлари

| № | Таржимоннинг профессионал компетенцияси | |
|----|---|--|
| 1. | Коммуникатив компетенция | индивиднинг умумий компетенцияси унсурулари билан ўзаро боғлиқ бўлган ва индивид учун нутқ фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар комплекси сифатида белгиланиши мумкин |
| 2. | Тил компетенцияси | бу тил бирликлари функциясининг тизимли қоидаларини билишгина эмас, балки нутқ малакаси даражасида тил материални билиш, яъни муайян мазмунни ифодаловчи гапларни тўғри тузиш |
| 3. | Таржимонлик компетенцияси | барча ҳолатларда ҳам эмас, балки муайян мавзудаги, аниқ бир стилистик жанрдаги матнларни таржима қилишдаги билим, малака ва кўникма, таржимонга мақбул бўлган таржима усуллари прагматик компоненти сифатида тавсифлаш мумкин |
| 4. | Техник (ёки технологик) компетенция | таржима жараёнида учрайдиган типик «техник» қийинчиликларни бартараф этишга ҳамда турли хил вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи таржиманинг асосий малакалари киради |
| 5. | Шахсий компетенция | <ul style="list-style-type: none"> - ихтисослик бўйича матнлар профессионал таржимонлар гуруҳи қадрий ориентацияси ва менталитетига кириб бориш; - ихтисослик бўйича матнлар таржимасида касбий шаън ва кадр қоидаларига риоя қилиш; - таржима қилинаётган ахборот/маълумотнинг аниқлиги ва адекватлиги учун жавобгарлик, мукамаллик ва мустақил ўқишга тайёрлик; - ностандарт касбий вазиятларга мослашиш қобилияти; - фикрлаш: амалий, репродуктив, продуктив, мантиқий, таҳлилий-мантиқий, интуитив; - кенг илмий ва маданий дунёқараш; - ўз хотираси манбаларини сафарбар этиш қобилияти; - ўз фикрини тўғри тақсимлаш қобилияти; - хушмуомалалик, фикрни бир жойга жамлаш, кузатувчанлик, шахсий танқид, такт, камтаринлик ва жисмоний бардошлилик |

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари**» деб номланиб, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари, натижалари ҳамда статистик таҳлили ёритилган. Педагогик тажриба-синов ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ҳамда умумлаштирувчи босқичларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда А.Навоий нимодаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетларида ташкил этилди.

Ташхис ва башорат қилиш босқичида мавзу юзасидан тажриба-синов мақсади, вазифалари ҳамда тажриба-синов дастурлари ишлаб чиқилган. Педагогик тажриба-синовнинг **мақсади** – таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантиришнинг

педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ва синовдан ўтказиш. Тажриба-синов мақсади 3 босқичда амалга оширилди:

- тасдиқловчи (2016 й.);
- аниқловчи (2016-2017 ўқув йили);
- синов (2017-2018 ўқув йили).

Педагогик тажриба-синовнинг *ташкилий-тайёргарлик босқичида* тажриба-синов майдончалари ва иштирокчилари, педагогик жараён тавсифи белгиланди, методик ҳамда ташкилий таъминоти ишлаб чиқилган. Педагогик тажриба-синовда экспериментал танланма миқдори 2016-2017 ўқув йилида ОТМ талабаларидан тажриба бошида 75 нафари тажриба гуруҳларида ва 76 нафари назорат гуруҳларида, тажриба якунида 74 нафари тажриба гуруҳларида ва 76 нафари назорат гуруҳларида, 2017-2018 ўқув йилида ОТМ талабаларидан тажриба бошида 126 нафари тажриба гуруҳларида ва 126 нафари назорат гуруҳларида, тажриба якунида 126 нафари тажриба гуруҳларида ва 125 нафари назорат гуруҳларида иштирок этди. Мазкур ўқув йилларида жами тажриба бошида тажриба гуруҳларида 201 нафар, назорат гуруҳларида 202 нафар талабалар, тажриба якунида эса тажриба гуруҳларида 200 нафар, назорат гуруҳларида 201 нафар талабалар тажриба-синовда қатнашди (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

Педагогик тажриба-синов жараёнида экспериментал танланма миқдори

| ОТМ | Босқичлар | 2016-2017 ўқув йили | | | | 2017-2018 ўқув йили | | | |
|-------------|-----------|---------------------|-----------|-------------|-----------|---------------------|------------|-------------|------------|
| | | Дастлабки тест | | Яқуний тест | | Дастлабки тест | | Яқуний тест | |
| | | ТГ | НГ | ТГ | НГ | ТГ | НГ | ТГ | НГ |
| ЎзДЖТУ | 1-босқич | 11 | 11 | 11 | 11 | 13 | 13 | 12 | 11 |
| | 2-босқич | 9 | 15 | 9 | 15 | 11 | 11 | 11 | 11 |
| | 3-босқич | 14 | 13 | 13 | 13 | 9 | 15 | 9 | 15 |
| СамДЧТИ | 1-босқич | 14 | 10 | 14 | 10 | 20 | 19 | 21 | 20 |
| | 2-босқич | 11 | 11 | 11 | 11 | 14 | 10 | 14 | 10 |
| | 3-босқич | 16 | 16 | 16 | 16 | 11 | 11 | 11 | 11 |
| ТДЎАУ | 1-босқич | - | - | - | - | 21 | 21 | 21 | 21 |
| | 2-босқич | - | - | - | - | 27 | 26 | 27 | 26 |
| ЖАМИ | | 75 | 76 | 74 | 76 | 126 | 126 | 126 | 125 |

Педагогик тажриба-синовнинг *амалий босқичида* таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш таъкидловчи, шакллантирувчи ҳамда назорат қилувчи бўлиб, «Таржима назарияси ва амалиёти» гуруҳларида параллел ва аралаш олиб борилди. Педагогик тажриба-синов жараёнида таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш кўрсаткичлари видео-кейс, аудио-кейс топшириқлари, таржима машқларини бажариш жараёнида аниқланган.

Умумлаштирувчи босқичида ишлаб чиқилган тажриба-синовни натижалаш алгоритми олий таълим муассасалари амалиётига жорий қилинган. Натижалар ва хулосаларга кўра олиб борилган барча таълим

муассасаларининг тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики самарадорлик 1.25 фоизга юқори эканлигини математик-статистик усуллар орқали исботланди. Ушбу натижаларни олий таълим муассасарида қандай ўсишга эга эканлиги қуйидаги 4-жадвалда келтирилган, бунда критик қиймат $T_{кр}=7,81$ билан таққосланган (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба-синов натижалари

| ОТМ | Босқичлар | Гуруҳлар | | | | | | | | | |
|----------------------------|-----------|----------------|----|----|---|---|----------------|---|---|----|---|
| | | Тажриба гуруҳи | | | | | Назорат гуруҳи | | | | |
| | | сони | 5 | 4 | 3 | 2 | сони | 5 | 4 | 3 | 2 |
| 2016-2017 ўқув йили | | | | | | | | | | | |
| ЎзДЖТУ | 1-босқич | 11 | 4 | 5 | 2 | 0 | 11 | 3 | 2 | 4 | 2 |
| | 2-босқич | 9 | 3 | 3 | 3 | 0 | 15 | 2 | 3 | 8 | 2 |
| | 3-босқич | 13 | 4 | 5 | 4 | 0 | 13 | 1 | 4 | 5 | 3 |
| СамДЧТИ | 1-босқич | 14 | 4 | 8 | 1 | 1 | 10 | 2 | 2 | 4 | 2 |
| | 2-босқич | 11 | 4 | 5 | 2 | 0 | 11 | 2 | 2 | 5 | 2 |
| | 3-босқич | 16 | 5 | 8 | 3 | 0 | 16 | 2 | 4 | 7 | 3 |
| 2017-2018 ўқув йили | | | | | | | | | | | |
| ЎзДЖТУ | 1-босқич | 12 | 4 | 5 | 3 | 0 | 12 | 2 | 2 | 7 | 1 |
| | 2-босқич | 11 | 3 | 4 | 4 | 0 | 11 | 2 | 2 | 6 | 1 |
| | 3-босқич | 9 | 3 | 4 | 2 | 0 | 15 | 3 | 2 | 6 | 4 |
| СамДЧТИ | 1-босқич | 21 | 9 | 7 | 5 | 0 | 25 | 4 | 6 | 12 | 3 |
| | 2-босқич | 14 | 5 | 6 | 3 | 0 | 10 | 2 | 2 | 5 | 1 |
| | 3-босқич | 11 | 4 | 4 | 2 | 1 | 11 | 2 | 2 | 3 | 4 |
| ТДЎАУ | 1-босқич | 21 | 9 | 6 | 5 | 1 | 25 | 3 | 5 | 15 | 2 |
| | 2-босқич | 27 | 12 | 11 | 3 | 1 | 26 | 4 | 4 | 13 | 5 |

Педагогик тажриба-синов жараёнида тажриба гуруҳидаги балларнинг ўртача қийматини назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди. Демак, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлиги исботланди. Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишонч оралик интерваллари топилади: тажриба гуруҳидаги ишонч оралик интервалида

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

га тенг. Бу ерда S_x, S_y лар танланма дисперция ҳисобланиб у қуйидаги формула орқали топилади:

$$S_x = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i(x_i - \bar{x})^2}{m - 1}, \quad S_y = \sum_{i=1}^{n=3} \frac{n_i(y_i - \bar{y})^2}{n - 1}$$

Топилган натижалардан тажриба гуруҳи учун ишончли интервал топилади:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$

назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

Бундан сифат кўрсаткичлари: ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони

$$K_{усб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} > 1;$$

билиш даражасини баҳолаш мезони $K_{ооб} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) > 0$; формулалар асосида топилади.

Ушбу формулалар асосида олинган натижаларни қуйидаги жадвалда келтирилган. Якуний тест натижаларига кўра 2017-2018 ўқув йилидаги босқичлар учун текширилди (5-жадвалга қаранг):

5-жадвал.

Математик-статистика формулалари асосида олинган натижалар

| Босқичлар | | Математик-статистика формулалари асосида олинган натижалар | | | | | |
|-----------|---------|--|-----------|------------------|----------|---|---|
| | | X^* | \bar{s} | Ишонч оралиғи | Δ | Ўқитиш самара- дорлигини баҳолаш мезони | Билиш дара- жасини баҳо- лаш мезони |
| 1-босқич | Тажриба | 4,13 | 0,84 | [3,91;4,35] | 0,22 | 1,08 | 0,71 |
| | Назорат | 3,40 | 0,85 | [3,19;3,62] | 0,21 | | |
| 2-босқич | Тажриба | 4,15 | 0,79 | [3,94;4,37] | 0,22 | 1,09 | 0,84 |
| | Назорат | 3,46 | 0,93 | [3,10;3,63] | 0,27 | | |
| 3-босқич | Тажриба | 4,07 | 0,86 | [3,67;4,43] | 0,38 | 1,006 | 0,86 |
| | Назорат | 3,23 | 1,09 | [2,81;3,65] | 0,42 | | |

Олинган натижалардан ишонч оралиқларининг бири-бири билан кесишмаслигини, ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

ХУЛОСА

«Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Таржимонлик компетенцияси таржимоннинг касбий маҳорати ва имкониятларини, унинг ижтимоий, коммуникатив ҳамда матнларни ўгириш қобилиятини тавсифловчи кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг асосини аслият ва она тиллари ҳамда маданиятлари бўйича қобилият, билим, малака ва хулқ бирикмасидан иборат ахборот захираси ташкил қилади. Тилни бутун лексик тизими, грамматик шакллари ва қоидалари билан таржима қилиш

қобилияти, тилни мавжуд нутқ анъаналарига мос равишда барча тематик ва стилистик диапазонларда илмий-техник, бадий асарлар ва расмий ҳужжатлар таржимасида қўллаш қобилияти таржима компетенциясининг асосий қисмидир. Шунингдек, таржима модели, таржима мазмуни, нутқ фаолиятининг бошқа турларидан уни ажратиб турадиган ўзига хослиги тўғрисидаги таржимон билимларининг мажмуи ҳам таржима компетенцияси концептуал таркибининг мазмунига киради.

2. Таржимон томонидан ахборотни муваффақиятли етказиб бериш унинг лисоний тайёргарлигининг юқори даражада билан информацион захиранинг ҳам бўлишини тақозо этади. Айнан бир хил лисоний белгилар ҳар хил тилларнинг соҳибларида ва турли маданият вакилларида ҳар хил ассоциацияларни чақириши мумкин, нутқ регистрлари ҳамда суҳбатдошнинг социал статуси каби ижтимоий белгилар эса таржима жараёнида алоҳида маданиятлараро компетенциянинг шаклланган бўлишини тақозо этади. Бадий матн, техник матн ва реклама матнини таржима қилишда алоҳида-алоҳида субкомпетенцияларни, яъни адабий меъёрга мослаштириш компетенцияси, терминларни тўғри танлаш компетенцияси ҳамда реципиентларга таъсир этиш компетенциясини шаклланган бўлиши талаб қилинади.

3. Таржимон касбий фаолиятининг тўлақонли шаклланиши учун бўлажак таржимон мутахассисларда ахборот-қидирув ва технологик компетенцияларни шакллантириш таржимонлар тайёрлаш бўйича таълим тизимининг таркибий қисмидан ўрин олиши зарур. Бунда асосий эътибор таржимон шахсида ахборот олиш ва қайта ишлаш методларини билиш, норасмий манбалардан олинган ахборотнинг тўғрилигини баҳолашни билиш, дастурий таъминот ва қидирув тизимларидан самарали фойдаланиш, шахсий таржима архивларини яратиш, таржима матнини тайёрлаш, маълумотлар базасини яратиш ва уларни бошқаришни билиш, турли дастурлар ёрдамида таржимани тайёрлаш, компьютерлашган таржима имконияти ва чегараларини билиш билан боғлиқ ахборот захирасини тўлиқ шакллантиришга қаратилиши лозим.

4. Таржима матни аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият таълим олувчи имкониятига тенг даражадаги бадий завқ, мазмуний ва мундарижавий уйғун мувозанатни таржима таълим олувчисига тақдим этиши, у билан яхлитлик тасаввурини уйғотиши, кўп жиҳатдан, аслият ва таржима матн ўртасида функционал, мазмуний ва структуравий мувофиқликнинг яратилишига боғлиқ бўлади. Аслият ва таржима мазмуни орасидаги реал муносабатларни қарор топтириш, турли тилдаги матнларнинг маъновий яқинлигини таъминлаш таржима сифатининг асосий кўрсаткичини эквивалент ташкил қилади. Таржима матнининг эквивалентлик даражасини таъминлашга таъсир кўрсатадиган экстралингвистик омиллар ўрганилди ва тизимлаштирилди. Эквивалентлик ҳодисасининг лингвистик тузилмаларида тўлиқ, қисман ва мураккаб эквивалентлик кузатиладиган сўзлар доираси чегараланди.

5. Аслият тили соҳиблари маданиятига хос бўлган сўзларнинг таржима тилида эквивалентлари бўлмаган ҳолатлар ўрганилиб, тизимлаштирилди. Хос сўзлар доираси инглиз маданиятида ширинликни англатувчи сўзлар, миллатга хос миллий, тарихий, диний, маданий колорит ва маълум бир ҳудудга, миллатга оид сўзларни ифодаловчи семантик гуруҳлар билан чегараланди. Шунингдек, хос сўзларни таржима қилиш транскрипция, транслитерация, таржима орқали ясалган янги сўз – неологизм, сўзма-сўз таржима қилиш (калька), маъноси яқин сўз билан ўгириш, хос сўзни изоҳлаб баён қилиш, контекстуал муқобил билан алмаштириш каби усуллар тавсия этилди.

6. Таржима жараёни аслият матнidan ўгириладиган матнга ўтишга ёрдам берадиган аниқ операциялар тизимидан фойдаланишни талаб этади. Бу жараёнда таржима усуллари ва таржима услублари таржима сифатини таъминловчи восита сифатида юзага чиқади. Таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар таржима услуби орқали таржима мутаносибликлари ва таржима тузилишининг ўзгаришлари каби икки кўринишда намоён бўлади. Тадқиқот жараёнида таржима методларининг қўлланишига нисбатан таржима мутаносибликларининг турлари ва таржима тузилишининг ўзгариши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги бир қатор йўналишлар бўйича аниқланди.

7. Оғзаки таржимонлик касб сифатида ўзига хос кўникма ва малакаларнинг мажмуи билан тавсифланадиган, таржиманинг алоҳида статусига эга бўлган туридир. Оғзаки таржимонлик, ёзма таржимонлик билан кўпгина умумий жиҳатларга эга бўлса-да, мулоқот нутқи пайтида воқеланадиган тиллараро ва маданиятлараро маълумотларни синхрон тарзда етказиб беришлиги билан ажралиб туради. Бу жиҳат оғзаки таржимонлик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таълим жараёнини ташкил қилишда бир қатор дифференциал усул ва услублардан фойдаланиш заруратини ифодалайди. Таржимоннинг тинглаш, мнемотехника, трансформациялаш, тилдан тилга ўтиш, нутқий механизмларни бошқариш, оғзаки нутқ техникаси, таржима суръати ва таржима учун мўлжалланган матнни танлаш каби кўникмалар машқ турларини ишлаб чиқишни тақозо қилди. Ҳар бир кўникма мазмун кўлами бўйича таснифланди ва уни шакллантиришда фойдали бўлган машқ турлари дифференциал тарзда тизимлаштирилиб, оғзаки таржимага ўқитишнинг муайян босқичида татбиқ этишга имкон беради.

8. Таржимон-мутахассисларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантиришда тил бирликларининг, шу жумладан, қўшма сўзларнинг, гендер хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳолат инглиз ва ўзбек тилларида эркак ва аёлнинг ташқи кўриниши ва характеридаги хос хусусиятларни ифодаловчи, ҳам умумий, ҳам фарқли белгилари билан ажралиб турадиган, муҳим гендер бирликларини ажратиш олиш имконини берди. Гендерни ифодаловчи сўзлар ўзида ҳар бир халққа хос миллий маданиятнинг нозикликларини сақлаб қолади. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида бундай гендер компонентли маъно

нозикликларини ёки лингвокультуремаларни адекват тарзда етказиб бериш масаласи бўлажак таржимон-мутахассисларда махсус билимлар захирасини шакллантириш заруратини ифодалайди.

9. Инглиз ва ўзбек тилларида инсоннинг ташқи кўринишини ва характерини тасвирлаш учун хизмат қиладиган сўзлар гендер белгили ва гендер белгисиз турларга бўлинади. Сўзнинг семантик структурасида man, woman, girl, boy семаларининг мавжуд бўлиши/бўлмаслиги уларни ажратиб турадиган асосий белгидир. Матн таркибида гендер белгили лексиканинг стилистик ва когнитив-концептуал аҳамият касб этиши таржима жараёнида нисбатан мураккаб ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларида гендерни тасвирловчи қўшма сўзларнинг олти тури аниқланиши ҳар бир турга мансуб қўшма сўзларнинг тўлиқ таркиби манбалар асосида тизимлаштириш ва уларнинг тиллараро функционал типологияси аниқлашни тақозо қилади.

10. Бадиий матн таркибида инсоннинг ташқи кўриниши ва характерини тасвирлашда қўлланилган услубий белгиланган қўшма сўзлар, яъни метафора, ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, гипербола, перифраза, зевгма ва шу каби стилистик воситалар иккала тил материалида қўлланиш частотаси нуқтаи назаридан ўрганиш имкони берди. Қўлланиш частотаси бўйича инсон ташқи кўриниши ва характерини тасвирлашда метафора ва ўхшатиш биринчи ўринда туриши, сифатлаш ва гиперболанинг фаол иштироки ҳамда эпитетнинг от, равиш, абсолют қурилмалар асосида воқеланиши, зевгманинг инсон кийимларини тасвирлашдаги алоҳида аҳамияти, перифразанинг кўпроқ ўзбек тилида қўлланишини кўрсатиб берди.

11. Педагогик тажриба-синов ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ҳамда умумлаштирувчи босқичларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда А.Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетларида ташкил этилди. Педагогик тажриба-синов ишларида олинган натижалардан ишонч ораликларининг бири-бири билан кесишмаслигини, ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини исботлаш имконини берди. Натижалар ва хулосаларга кўра олиб борилган олий таълим муассасаларининг тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики самарадорлик 1.25 фоизга юқори эканлигини математик-статистик усуллар орқали исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ЗА № DSc.27.06.2017.Ped.27.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

ТУХТАСИНОВ ИЛХОМЖОН МАДАМИНОВИЧ

**РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ
НА ОСНОВЕ ЭКВИВАЛЕНТНОСТИ ПРИ ПОДГОТОВКЕ
ПЕРЕВОДЧИКОВ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (английский язык)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора педагогических наук (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.DSc/Ped52.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-сайте uswlu.uz и по адресу www.ziyonet.uz Информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель: **Бакиева Гуландом Хисамовна**
доктор филологический наук, профессор

Официальный оппоненты: **Нижметова Роза Хасановна**
доктор педагогических наук, профессор

Дэвид Кieza
Профессор университета Джорджия

Доктор педагогических наук, профессор
Сафаралиев Бозор Сафаралиевич (Россия)

Выдающая организация: **Ташкентский государственный институт востоковедения**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.27.01 по присуждению учёных степеней при Узбекском государственном университете мировых языков по адресу: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, квартал Г-9А, ул. Кичик Халка йули, 21А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100138, г. Ташкент, Учтепинский район, квартал Г-9А, ул. Кичик Халка йули, 21А. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 г.)

Д.У.Хашимова
Председатель Научного совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.пед.н., профессор

Н.Ж.Исакулова
Секретарь Научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.пед.н.,
доцент

Л.Т.Ахмедова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёной
степени доктора, д.пед.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Условия углубления процесса глобализации в мире еще больше усилили необходимость формирования и развития профессиональной компетенции переводчика через лингвистические и экстралингвистические компетенции. Основываясь на процессах, происходящих в произношении, грамматическом строе и составе словаря в структуре английского языка особую важность для переводчика представляют, наряду с владением в совершенстве языком оригинала и языком перевода, научные исследования с целью углубленного изучения международных стандартов, программ, культуры языка оригинала и языка перевода, менталитета, последние достижения науки и технологий и инновационных идей в данной области.

В мировой практике важными в формировании и развитии профессиональной компетенции переводчика являются интегрированный подход к профессиональному развитию, технические навыки, мастерство в овладении языком, профессиональная этика и проектирование управленческого мастерства, совершенствование терминологии и терминографии, оценивание компетенции переводчика, стремление добиться соответствия слов в двух различных культурах в процессе перевода, создание системы корректирующих упражнений для предотвращения типичных ошибок, которые допускают переводчики. С этой точки зрения разъясняется необходимость развития профессиональной компетенции переводчика посредством введения в учебные программы образовательных учреждений, готовящих переводчиков, материалов, направленных на развитие компетенции путем формирования лингвистической, социолингвистической, прагматической компетенций, а также компетенции межкультурной коммуникации.

И в дальнейшем будет уделено особое внимание углубленному обучению английскому языку и другим иностранным языкам. Более того, определены задачи по получению образования по необходимым специальностям и расширению объема работ по повышению квалификации кадров¹. Здесь посредством перевода формируется межъязыковая и межкультурная коммуникация, особую важность имеют случаи адекватности и интерференции при переводе, основные виды методов дословного и свободного перевода, структура перевода, восприятие и формы перевода, несоответствие в переводе, грамматические трудности, используемые трансформации, комментарии, разъяснения к зарубежной специализированной литературе, редактирование материалов перевода.

Исследования, проведенные в рамках данной диссертации, в определенной степени служат выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

Постановлении № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 124 «Об утверждении государственных образовательных стандартов по иностранным языкам системы непрерывного образования» от 8 мая 2013 года, в Постановлении Первого Президента Республики Узбекистан № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере .

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, направленные на формирование и развитие профессиональной компетенции при подготовке переводчика, осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе, в Gallaount University, Kent State University, The Monterey Institute of International Studies, The University of Texas, Florida International University (США), Leeds Metropolitan University, University of Westminster, Cambridge University (Великобритания), University of Bologna School of Foreign Languages, Ca' Foscary University of Venice (Италия), Kaunas University of Technology (Литва), Linghan University (Гонгконг), University of Minho-Institute of Arts and Human Sciences (Португалия), National University of Seoul, Seoul University of Foreign Studies (Республика Корея), University of

² Мазкур қисми ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди: <https://www.kent.edu/> (Kent State University); <https://www.topuniversities.com/universities/monterey-institute-international-studies/postgrad> (The Monterey Institute of International Studies); <https://www.utdallas.edu/> (The University of Texas); <https://www.fiu.edu/> (Florida International University); <http://www.leedsbeckett.ac.uk/> (Leeds Metropolitan University); <https://www.westminster.ac.uk/> (University of Westminster); <http://www.cam.ac.uk/> (Cambridge University); <http://www.foreignlanguages.unibo.it/en/index.html> (University of Bologna School of Foreign Languages); <http://www.unive.it/> (Ca' Foscary University of Venice); <https://ktu.edu/> (Kaunas University of Technology); <http://www.ln.edu.hk/> (Linghan University); <https://www.uminho.pt/EN/uminho/Units/schools-and-institutes/Pages/institute-of-arts-and-human-sciences.aspx> (University of Minho-Institute of Arts and Human Sciences); <http://www.snu.ac.kr/index.html> (National University of Seoul); <http://www.hufs.ac.kr/> (Seoul University of Foreign Studies); <https://www.unsw.edu.au/> (University of New South Wales); <http://www.canberra.edu.au/> (University of Canberra); <https://bjbs.csu.edu.au/centres/cces> (Center Customs and Excise Training); <http://www.vinci.be/fr-be/mariehaps/Pages/Accueil.aspx> (Institut Libre Marie Haps); <https://www.kuleuven.be/kuleuven/> (Katholieke Universitet Leuven), <http://www.uottawa.ca/> (University of Ottawa); <http://www.utoronto.ca/> (University of Toronto); <https://www.helsinki.fi/fi> (University of Helsinki); <http://lettres.sorbonne-universite.fr/> (Universite de la Sarbonne); http://www.unistra.fr/index.php?id=accueil&utm_source=unistra_fr&utm_medium=unistra_fr_homepage (Universite of Strasbourg); <https://www.uu.nl/> (Universiteit van Utrecht), <http://www.hacettepe.edu.tr/english/> (Hasettepe University), <http://w3.bilkent.edu.tr/www/> (Bilkent University).

New South Wales, University of Canberra, Center Customs and Excise Training (Австралия), Institut Libre Marie Haps, Katholieke Universitet Leuven (Бельгия), University of Ottawa, University of Toronto (Канада), University of Helsinki (Финляндия), Universite de la Sarbonne, Universite of Strasbourg (Франция), Universiteit van Utrecht (Голландия), Hajettepe University, Bilkent University (Турция), Узбекском государственном университете мировых языков (Узбекистан).

В результате исследований по вопросам формирования и развития профессиональной компетенции при подготовке переводчика, проведенных в мире, получен ряд научных результатов, включая: интегрированный подход к профессиональному развитию, уделение внимания техническим навыкам, языковое мастерство, профессиональная этика и проектирование навыков управления (Kent State University, США); вопросы уделения внимания терминологии и терминографии как интегрированной (неотъемлемой) части компетенции переводчика (University of Bologna School of Foreign Languages, Италия); компетенция перевода и его место в программах подготовки переводчиков в образовательном процессе, проблемы разъяснения, формирования и оценки компетенции переводчика (University of Minho-Institute of Arts and Human Sciences, Португалия); формирование технической компетенции переводчика посредством развития навыка чуткого слуха и памяти, составление заметок в случае неразборчивости информации, адаптация к языку перевода (Peoples' Friendship University of Russia, Россия); внедрение образовательной системы, адаптированной к учебным блокам, основанных на зарубежном и продвинутом опыте на основе оптимизации процесса образования и воспитания и модулирование её содержания (Узбекский государственный университет мировых языков).

